



# Ishonch

**МОХИЯТ**  
Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, хурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам бериши. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади.  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

**Жорий йилнинг 13-14 март кунлари умумхалқ ҳашари ўтказилди. Маъмур тадбирда 16844169 нафар фуқаро иштирок этди. Улар томонидан 35211,5 гектар ер ободонлаштирилди, 25656 км. ариқ ва зовурлар тозаланди. Тартибга келтирилган зиёратгоҳ ва қабристонлар сони 7799 тани ташкил этди. 11496000 туп манзарали, 7428000 туп мевали ҳамда 13034000 туп гул кўчатлари ўтказилди. Кўплаб дарахтларга шакл берилди. 31896 нафар кам таъминланган кишига 581705000 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Ҳашар йўли билан 530850 м<sup>2</sup> уй-жой таъмирланди. Шу билан бирга ҳашар кунлари ижтимоий иншоотларни фойдаланишга топшириш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, янги боғлар барпо этиш каби ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда вилоятлардаги мухбирларимиз хабар қилади.**

— Касаба уюшма ходимлари ҳам ушбу ҳашарда фаол иштирок этди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Хасен Ермагамбетов. — Биноларимиз атрофларига, йўл бўйларига кўчатлар экдик. Дарахтларга шакл бердик. Кам таъминланган инсонлар ҳолидан хабар олдик. Умуман, ҳашарда бир ярим миллиондан зиёд қорақалпоғистонликлар юрт ободлигига улуш қўшди. Ҳашарчилар кўма-

лари, лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, мажлислар зали саранжом-саришта қилинди. 5,1 гектар майдон ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилди. Ариқлар тозаланиб, тартибга келтирилди. 8 тоннага яқин чиқинди чиқариб ташланди. 400 туп манзарали, мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

## Изчил режалар белгиланди

**Кеча Сурхондарёда вилоят касаба уюшмалари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Президентининг Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова сўзга чиқиб, мамлакатни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодийнинг барча тармоқларида, ижтимоий ҳаётда амалга оширилиши кутилаётган улкан вазифаларнинг бажарилишида касаба уюшмаларининг ўрни ва роли тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.**

Шунингдек, ислохотлар натижаси ўларок, мамлакатимизда эришилган ютуқларни кенг омгага етказишда касаба уюшмаларининг имкониятидан тўлиқ фойдаланиш муҳим экани ҳақида сўз юритилди. Хусусан, бандлик дастури ижросини таъминлаш, ишчи-ҳодимларга ўз вақтида ойлик маошларининг берилишига эришиш, банк барқарорлигини таъминлаш, қишлоқда уй-жой қурилишларини ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини бажаришида касаба уюшма фаоллари олдинги сафларда туриши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Федерация раиси Наврўз байрами муносабати билан ижтимоий кўмакка муҳтож 30 та хонадонга қорамол берилиши, касаба уюшмаларининг «Делфин» сузиш ҳавзасининг устини ёпиш, уйинголларни таъмирлаш учун моддий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди. Фаоллар йиғилишида Ангор туманидаги «Саидносирхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Исохон Баҳромов иштирок этди ва маъруза қилди.

**Бухоро вилояти касаба уюшмалари фаоллари йиғилишида ҳам Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган масалалар атрофида муҳокама этилди.**

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Соликов сўзга чиқиб, жаҳонда эш бераётган иқтисодий инкироз, мамлакатимизда унга қарши белгиланган қоралар, ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг аҳамияти, касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга эътиборни қаратиш зарурлигини таъкидлади. Қишлоқларда замонавий уй-жойлар қуриб, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, баркамол авлод истиқболи учун гамхўрликни янада оширишда касаба уюшмалари ролини қўнайитириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борадаги ютуқ ва камчиликлар атрофида таҳлил қилинди. Йиғилишда Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Латипов, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат таъминоти институти билан касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шукрулла Очлов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Нарзиев, «Нефтьгазуриштирма» очик акционерлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси Даврон Раҳматовлар ҳам сўзга чиқиди. Улар юқорида баён этилган йўналишлар бўйича ўз жамоаларида амалга оширилаётган ишлар, касаба уюшмаларининг иштироки ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида гапирдилар.

Ўз мухбирларимиз. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ўз мухбирларимиз

## Ҳашар —



## Халқимизга хос қадрият

ободончилиги билан бирга аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришга хизмат қилади.

гида ариқ-зовурлар тозаланди. 900000 дан зиёд дарахтга шакл берилди. 300000 дан зиёд янги кўчатлар экилди.

**БУХОРО.** Ушбу тадбир вилоятда меҳнат байрамига айланиб кетди. Ҳашарда бухороликлар ҳам фаол қатнашиб, уюшқоқлик, ҳамжихатлик намуналарини намойиш этдилар. Шаҳар ва қишлоқларда 635815 киши ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш юмушларида иштирок этди. Уларнинг 364388 нафарини ёшлар ташкил қилди.

Шу кун 1640 гектар майдон ободонлаштирилди. 8524 тонна чиқиндилар чиқариб ташланди. Ҳашарга 1531 та техника ва автотранспорт воситаси жалб этилди. 924 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар, 835 та зиёратгоҳ ва қабристон тозаланди. 415000 тупга яқин мевали, манзарали ва гул кўчатлари ўтказилди. 317000 туп дарахт оқланиб, шакл берилди.

— Ҳашарда 212 та эҳтиёжманд оилага алоҳида мурувват кўрсатилди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси Бехбуд Жумаев. — Кам таъминланган, ногирон, яқка-ёлғизларнинг 10354 квадрат метр уй-жой таъмирлаб берилди. Бунинг учун 25 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**ЖИЗЗАХ.** Ҳашар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлугига улашиб кетди. Тадбир вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, қишлоқларида уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтди. Ҳашарда 5100000 дан зиёд аҳоли иштирок этди. Айниса, 300000 дан ортиқ ёшлар алоҳида ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатди.

Ҳашарчилар икки кун давомида 1935,8 гектар майдонни ободонлаштирди, 300 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди, 858205 туп манзарали, 243455 туп мевали дарахт, 156585 туп гул кўчатлари ўтказилди. 1026 км. узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди, 2871,6 тонна чиқинди ташиб кетилди.

Уй-жойларни таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 21151 квадрат метрик иш бажарилди, 894000 та кам таъминланган, эҳтиёжманд оилага кўрсатилган мурувват ёрдами 18014600 сўмини ташкил этди.

Шу кунлари айниқса қурилиш иншоотларида иш қизиди. 12 та туманда қурилаётган турар-жой биноларида ҳашарчилар кенг қўламдаги ишларни амалга оширдилар.

Бахмал туманида «Сарой» маҳалла гузарни фойдаланишга топширилди. Фаллаорол туманидаги Олимпал маҳалласида янги гишт корхонаси, «Лалмикор» ҚФЙ худудида сутни қайта ишлаш, «Маданият» ҚФЙда нон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ҳашардан тушган маблағ маҳаллалар

### Бахшиш эл — яхшиш эл

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони таъсис этилганига 10 йил тўлди

...Майин оғтобнинг хуш ёқувчи заррин нурлари, тупроқнинг ёмғирдан тўйинган хиди барчани сайилса, кенг далаларга, пурвикор тоғларга чорлайди. Бахшнинг дилларни энттиктиривчи баҳор шабадаси оғушида таралаётган овози, дўмбиранинг қалбларни жунбушга келтиривчи садоси янгилини ва яшарши фаслидан, Наврўздан дарак беради.

Наврўз сайида бахшиларнинг чиқинди дилларга алоҳида завқ-шавқ улашади. Белнини боғлаб, ўзини зўр ишга чоғлаган бахшнинг ширали овози дўмбира жарангига жўр бўлиб, дилларни сел қилади.

### Ўзбекистон — иқтидорли спортчилар мамлақати

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфида 6 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлиб, у ерда 16 та тур бўйича жами 125 та гуруҳга бўлинган ҳолда 1464 та спортчи шугулланади. Уларнинг 343 нафари қизлардан иборат. 6 йшдан 15 ёшгача бўлганлар 1174 нафарни, яъни, 80,2 фоизни ташкил этмоқда. Миллий терма жамоамизнинг асосий таркибиде эса 31, ўринбосарлар таркибиде эса 37 нафар спортчи машғулотларда қатнашаётир. Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт жа-

### «Омон кўрганымдан хурсандман...»

Амударё туманида 168 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида узғаришлар, юксалишлар кўзга ташланмоқда. Туман тиббиёт бirlашмаси таркибиде марказий шифонахона, Кўп тармоқли поликлиника, 16 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётпти.

Шифонахонанинг узун дахлизи бўйлаб бораётиб, ажиб бир суҳбат эътиборининг тортди.

Халқ оғзаки ижоди ҳар бир халқнинг маънавий бойлиги, ижодий тафаккурининг ёрқин намунаси. Ана шундай бебаҳо бойлигимиз, миллий қадрият ва аёнчаларимиз авлоддан-авлодга ўтиб келишида бахшиларнинг хизмати қатта. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2000 йил 14 мартдаги фармонида мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвонининг таъсис этилгани уларнинг меҳнатини сардорлаш, маъмур саноат намоёнларига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишининг амалдаги ифодасидир.

мияти ҳамда Халқ таълими хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар томонидан барча БУСМлар керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. Жихозлар бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар фарзандларига жамғарма томонидан спорт кийимлари тарқатиб келинади. Мавжуд спорт иншоотларидан режа асосида фойдаланиш йўлга қўйилган.

— Сизни омон кўрганымдан хурсандман, қаранг-а, соғломлик сизга қандай ярашади, — ок халати, ўртабўй, қорчадан келган киши отахонинг елкасига қоқиб қўярди. — Бу сизнинг ҳимматингиздан, болам, нақ нариги дунёнинг эшигиндан қайтгандай бўлдим, — дейди отахон. — Нималар депсиз, ўттиз яшар йиғитдайсиз, худо хоҳласа, ҳали узоқ яшайсиз. Қулоқ тутиб қолганимни қўриб, ҳамроҳим, тиббиёт бirlашмаси раҳбарининг ўринбосари Жумабой Яқошев изоҳ берди: — Бу киши терапия бўлими бошлиғи Бекиммат Оллаберганов бўлади. У энг машҳур ва билимдон шифокорларимиздан. Бу бўлимга нано излаб келган киши борки, ана шундай хуш қайфиятда, соғлом ҳолда оиласи бағрига қайтади. Жумабой ака туман марказий шифонахонаси 620 ўринга эгаллигини, бу ерда 16 та бўлим фаолият кўрсатишини айтиб ўтди. Бirlашманинг энг қайноқ бўлими шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими экан. — Илгарилари «тез ёрдам» хизмати беморларни тез фурсатда белгиланган шифонахонага етказиш билан чегараланар эди. Янги макомдаги бўлими биз беморларга барча касалликлар бўйича шошилинч хизмат кўрсатади. Бўлимга келтирилган беморга зудлик билан ташхис қўйилади, — дейди бўлим бошлиғи Олимбой Шомуродов. — Ўттиз ўринга мўлжалланган бўлими биз ўтган йили уч мингдан зиёд фуқаронинг дарддан халос бўлишига кўмаклашди. Олимбой акадан бу ерда 8 врач, 22 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилишини билиб олдик.

2010 йил — Баркамол авлод йилли

Нодавлат соҳада ижтимоий ҳимоя

Меҳнаткаш ҳимояси — келажак сармоясси

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Камолитдин Оқбўтаев билан суҳбат

— Меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида юритиб, ташкилий жиҳатдан мустақам оммавий жамоат ташкилотига айланди.

— Дарҳақиқат, шундай. Аммо бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Авваломбор, нодавлат соҳасида меҳнат қилган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш касаба уюшмалари аъзолигига жалб қилиш, янги касаба уюшма ташкилотларини тузиш борасида сезиларли ўсишларга эришди.

Утган йилда Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакилиги тизимида 25 та янги ташкилот тузилди ва 571 нафар киши аъзоликка қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш, Агротранспорт, Қурилиш, Давлат муассасалари тармоғида 56 та янги ташкилот тузилди, бугун уларнинг ҳисобида 1350 нафардан зиёд касаба уюшма аъзолари мавжуд. Лекин шунга қарамай ечимини топиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Фақат нодавлат соҳасининг ўзида бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилмаган 581 та ҳўжалик субъекти бўлиб, уларда 4 минг 958 нафар ходим ишлайди.

Ходимларни касаба уюшма аъзолигига жалб этишнинг ишончли воситаси бу маънавий ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир бўлмади. Утган йили қишлоқ жойларида яшаб, 998 корхонада ишлаган 1831 нафар кам таъминланган оилаларга 49,4 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам берилди. Бу пулларнинг 30,9 млн. сўми корхоналар, 18,2 млн. сўми касаба уюшмалари ҳисобидан ажратилди.

Жамоа шартномаси бўйича «Сирдарётелеком» филиалида аёлларни ҳомилдорликнинг 6-ойидан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Сирдарё тизимида эса 6,5-ойидан таътилга чиқариш йўлга қўйилди. Ёқилган энергетика соҳасида меҳнат қилаётган ходимларга асосий таътил 21 иш кўни, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, 1- ва 2-гурӯҳ ногиронларига 30 иш кўни қилиб белгиланганлиги ҳам аъзолик афзаллигига бир мисолдир.

Мана бу рақамларни таҳлил қилиб кўрайлик-а. 2009 йилда касаба уюшмалари хизматида бўлган корхоналарнинг 82,57 фоизи нодавлат секторига мансуб бўлиб, уларнинг 81,0 фоизиди жамоа шартномалари тузилган. Уларда ишловчиларнинг 90,0 фоизи жамоа шартномаси имтиёзларидан баҳраманд. Ваҳоланки, қўшма корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бораёпти, лекин уларни касаба уюшмалари хизматида олиш жараёни эса, афсуски, ҳамон қониқарсиз.

Бу ҳусусийлаштириш жараёнида ходимлар манфаатларининг камситилишига йўл қўймастик, меҳнат аҳли ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, соғломлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор беришимизни тақозо этади.

— Вилоятда бўш иш ўринлари бозорлари ташкил этилмоқда. Уларда касаба уюшмаларининг иштироки қандай?

— Очигини айтиш лозимки, вақтинчалик ишсизлик муаммосини ташкилот мустақил равишда ҳал этолмайди. Боболаримиз «Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса-да, донги чиқмас», деб бежиз айтишмаган. Бугунча Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз натижасида 26 марта «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркалари ташкил қилинди. Уларда жами 458 та корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд 2058 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ярмаркага ҳаммаси бўлиб 3490 нафар фуқаро, шу жумладан, 2286 нафар ёшлар жалб этилди. 1950 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди.

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда касаба уюшмалари ҳам меҳнат бозори ва ишга яроқли аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари билан жиддий шугулланмоқда. Натижда, молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобига Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида режада белгилангандан кўпроқ янги иш ўринлари яратилди. Янги иш ўринларининг 77,5 фоизи қишлоқ жойларига тўри келди.

— Яна бир масала борки, у ишлаб чиқаришдаги меҳнат муҳофазасидир. Бу соҳада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Вилоятдаги корхоналарда бахтсиз ҳодисалар сони йилдан-йилга камайиб бораётганга қарамастан, айрим жойларда ходимларнинг меҳнат муҳофазасига беписандлик мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Оқибатда, утган йил ишлаб чиқариш билан боғлиқ 12 та бахтсиз ҳодиса қайд этилди. Улардан 9 ҳолатда ходимлар оғир тан жароҳати олган бўлсалар, 3 та ҳолат бевақт ўлим билан тугаганлиги кўнгилда оғриқ уйғотади.

«Касаба уюшмалари қанчалик кучли бўлса, иш жойлари шунчалик хавфсиз бўлади!» деган широр ҳамон долзарб эканлигини кўрсатади.

— Меҳнаткашлардан тушган мурожаатлар ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Утган йили бизга 206 дан зиёд мурожаат тушган бўлса, уларнинг 5 таси ёзма, қолганлари эса оғзакидир. Аризаларнинг асосий мазмунини — тоvon пулини тўлаш, иш ҳақи, ишдан ноқонуний бўшатиш, санаторий йўланмалари ажратилишга боғлиқ бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси ижобий ҳал қилинди.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, келажакни ўйлаган ҳар қандай ташкилот ўз аъзолари саломатлигини ўйламай иложи йўқ. Утган йилнинг ўн бир ойи давомида 913 та санаторий йўланмалари бўйича аъзоларимиз ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтишди. Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг 3449 нафар фарзанди болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида имтиёзли тарзда дам олдирилди. Йўланмаларнинг 1925 таси нодавлат секторидида меҳнат қилиб келаятган ходимларнинг фарзандларига ажратилди.

2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши барчамиздан янада масъулият билан ишлашни тақозо этади. Чунки баркамол авлод — келажак буюк мамлакатимиз пойдеворидир.

Пиримкул ДУСТМАТОВ суҳбатлашди

Тўғри танқид ютуқлар гаровидир. Тошкентдаги «12-трест» очик акциядорлик жамиятининг ҳисобот-сайлов конференциясида бунга амин бўлдик. Касабақўм раиси Рустамбек Бурхониддинов қилинган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Касабақўм жонкуяр бўлса

— Утган 6 йил мобайнида республикамиз ҳаётида, жумладан, қурилиш жабҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, — дея сўз бошлади нотиқ. — Пойтахтимиз кўрғига кўрк қўшиб турган Ломоносов номи университети филиали, Молия вазирлигининг хазиначонаси, «Ўзбекивест» биноси фойдаланишга топширилди.

2004 йилда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида касаба уюшма кўмитаси таъкид қилиниб, бир қатор тақлифлар билдирилди. Шахсий ҳимоя воситаларига етарлича маблағ ажратилмаётгани, ишчиларнинг сихатгоҳларда даволаниши учун йўланмалар камлиги, меҳнат интизомининг сусайиб кетганлиги, айрим жойларда иш ҳақи ўз вақтида берилмаётганлиги шулар жумласидандир.

Бу ҳолатлар маъмурият ҳамда кўмита ҳамкорлигида ўрганиб чиқилди. Айни вақтда маошлар вақтида берилмоқда. Ишчилар махсус кийим ҳамда ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Дам олиш ёки соғлигини тиклаш учун йўланма сўраб мулкчи эгитилганнинг илтимоси қондирилди.

Ҳозир ташкилотимиз аъзолари сони 1573 нафарни

ташқил этади. Бу ўтган ҳисобот давридагидан 300 та кўп. Касабақўм қошида ташқил оммавий ишлар, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш ишлари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатаёпти. Жамоа шартномаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Айнан шу ҳужжатда ойлик маош республикамизда белгиланган энг кам иш ҳақига қийослаганда 2,2 марта оширилган. Оғир ва саломатлик учун зарарли шароитда ишлайётганларга устама ҳақ тўланаёпти. Ҳақ тўланадиган йиллик таътилни энг кам 18 кун қилиб белгиланган.

Яна меҳнат хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор

қаратишимиз лозим. Бу масала касаба уюшма кўмитасининг доимий назоратида. Лекин шунга қарамай, ишлаб чиқаришда 19 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Шу фактнинг ўзиниқ ушбу йўналишда кўп изланишимиз зарурлигини кўрсатиб турибди.

Сўзга чиққан Ж.Қосимов, Н.Василева, О.Шоюсупов ва бошқалар ҳам касаба уюшма фаолиятини янада яхшилаш юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг 11 кишидан иборат кўмита аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Р.Бурхониддинов «12-трест» ОАЖ касабаси уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

Амалий Ғамхўрлик

Ҳалол меҳнат қилиб нафақага чиққан нурунийлар ҳолидан хабар олиш, улар кўнглини кўтариш ҳар бир ташкилотнинг эзгу ишидир. Ана шунини эътиборга олиб, касаба уюшма кўмитаси ҳўжаликда етиштирилган маҳсулотлардан келган даромад ҳисобидан кам таъминланган, ёлғиз оилаларга меҳр-муруват кўрсатиб келмоқда.

Кейинги беш йилда ҳўжаликдаги 35 нафар ана шундай оилаларга соғлиқларини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди, бундан ташқари, 12 нафар ижтимоий муҳофозага муҳтож оилага бугудой тарқатилди. Ҳўжаликнинг 5 нафар ишчи-ҳодимига санаторийларга йўланма берилиб, харажатларнинг 50 фоизи ҳўжалик ҳисобидан қопланди.

Тумандаги Охунбобоев СФУга қарашли мактаб-интернатда таълим олаётган қиз болаларга 60 донна халат совға қилинди. Олтинсой туманидаги Сўфи Оллоёр зиёратгоҳини таъмирлаш учун 200 минг сўм, Ат-Термизий зиёратгоҳини кўкаламзорлаштириш учун 300 минг сўмлик ҳар хил турдаги кўчатлар берилди.

Айни пайтда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Урол БЕКМУРОДОВ, Сурхондарё вилояти Денов тажриба ҳўжалиги касаба уюшма кўмитаси раиси

Шаҳсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагини, дунёқарашини бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёркин бадий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун қийинчи лашайдиган фидойи инсонлар деб билиман.

Ислом КАРИМОВ



Таржimonлар клубида 2004 йили Ўзбекистон миллий университети ўзбек филологияси факультетининг иккинчи курсида ўқийди.

лумбия, Испания ва Ҳиндистондаги газета-журналларда, интернет нашрларида чоп этилган. У Айова халқро фазувчилар дастури (АҚШ)нинг ёзувчи аъзоси. Меделлин халқро шерьият фестивали иштирокчиси.

Унинг тиришқоқлигига ҳавас қилардим. Чунки кўпчилик одам-

Уша йили факултет қошида «Еш таржimonлар клуби» очилди. Клубнинг дастлабки ййгилишларида университет ўқитувчилари қаторида хорижий тиллардан хабардор талаба ва иждоқорлар ҳам иштирок этиб, таржима асарлар қизгин муҳокама қилинарди. Кейинчалик таржimonлар клуби «Гулистон» журнали тахририяти қошида фаолият юритиб, гўзал анъана йўлга қўйилди. Саҳифаларда бадий асарлар икки тилда — асл матн ва таржима матни ёнма-ён чоп этила бошланди.

Аъзам Обидов билан ўша ййгилардан бирида танишгандик. Балки у ҳақида эшитгандирсиз. Аъзам ака 1974 йили Наманганда туғилган. Шаҳардаги 7-урта мактабни олтин медал билан тамомлаган. НамДУ ва ТошДУда тахсил олган. «Соғинтириб кетгум қадамларимни», «Хавотир ороли» (ўзбек, инглиз ва испан тилида), «Йўлимни пойлайди мўъжиза» каби шерьий ва таржима китоблар муаллифи. Инглиз, ҳинд, испан тилига ўғирилган шерьлари, кўплаб таржималари Америка, Ко-

лар сингари расмий идоралардан бирида ишлашига қарамай, қисқа фурсатда вақт топиб, салмоқли ишларни амалга ошириб улгурганди. Бир гал Усмон Носир ва Чўлпонга тегинли машур шерьларнинг инглизча таржимасини («Dream of lightsome dawns» — «Нурли тонглор орузси») китоб ҳолида чоп эттирар, бир гал нуфузли чет эл нашрларида таржималари босилган бўларди. У 48 та ўзбек шоирининг шерьларидан танлаб олиб, инглиз тилида «Tunes of Asia» («Осиё оҳанглари») номи кичик антология чоп эттирганди. Шу тўплам Америкадаги машур www.uiowa.edu/ «IWP» халқро веб-журнали ҳамда Ҳиндистоннинг Ассам штатида ассам тилида китоб шаклида чиққан. Антологияга кирган шоирларнинг

айримлари Францияда босилган ўзбек шерьиятининг икки томли антологиясига ҳам киритилган.

Максад йўлида

Клуб ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш ва чет элда тарғиб этишни бош мақсад қилганди. Шу ниятда ўзбек адибларининг асарлари ҳамда ўзбек адабиётига доир кўплаб мақолалар Ҳиндистон, Япония, Америка, Корея ва Колумбиядаги адабий газета-журналларда ҳинд, гуҷаратӣ, япон, ассам, малайялам, инглиз, испан, корейс ва француз тилларида босилишига эришилди. Ўзбек шерьияти ва насри намуналари АҚШ, Германия, Шве-

Ҳозир у Фафур Фуломнинг «Шум бола» ва Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» киссаларининг инглизча таржимаси устида иш олиб бормоқда.

www.navoigarden.com

Клуб аъзолари буюк бобомиз Алишер Навоий ижодини тарғиб қилиш борасида ҳам анча ишларни амалга оширмоқда. Канадалик таржimon Гарри Дик билан ҳамкорликда Турсунной Содикованинг «Навоий гушани» номи Навоий газалларига шарҳлар рисоласи инглиз тилига таржима қилинди, аллома асарларини инглизчалаштириш мақсадидида чиғатой-инглизча луғати тузилди ва Америкада

«Иждоқор, бунёдқор, ихтирочи ва

Наманган шаҳридаги «Сарқор Ризо пойабзал» кичик корхонаси хориж технологияси асосида пойабзаллар ишлаб чиқармоқда.



Ҳўтам МАМАДАЛИЕВ (ўЗА) олган сурат

Янги иш ўринлари

Энг кучли ижтимоий ҳимоя

Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ийгилишида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Иқромбек Бердибеков ҳамда туманлар ҳокимияти касабаси уюшма кўмитаси делегатлари иштирок этиди.

— Ташкилотимиз 2008 йилда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва 11 та туманлар ҳокимликларидида бошланғич касабаси уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш мақсадида ташқил этилган, — деди Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Абдулворис Измаилбоев ҳисобот маърузасида. — Фаолиятимизнинг дастлабки кўнларидан бошлаб аъзоларимиз ишончини оқлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Утган даврда сезиларли ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирози оқибатларининг олдини олишга бағишланган оқилна сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан талай ибратли ишлар қилинди. Утган йилда туманлар бандликка кўмаклашувчи марказлари билан ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 2575 нафар фуқаро қатнашди. Уларнинг 2073 нафарига пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлардаги вакант иш ўринлари тавсия этилди. Натижда, 723 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 24 нафар фуқарога қайта касба ўқитиш йўланмаси берилди.

Меҳнат ярмаркаси доирасида 74 та корхона ва ташкилотда 1208 та қўшимча махсус иш жойлари яратилди. Мазкур иш ўринларининг 47 таси аёлларга мўлжалланган.

Мустақиллигимизнинг 18 ҳамда пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейларига бағишланган концерт дастурурига 2 млн. сўмлик чипталар тарқатилди. Бундан ташқари, касабаси уюшма аъзоларининг фарзандларига Янги йил байрами арафасида 1580 та чипта тақдим этилди.

Кизгин мунозаралар руҳида ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида шаҳар ҳокимликлари ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитасининг янги таркиби сайланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» муҳбири

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Давра суҳбати

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

# Мониторинг натижаларига бағишланди

Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун ижроси ва тегишли вазирлик, идоралар ҳамда вилоят, туман ва шаҳар, қишлоқ фуқаролар йиғинларида қўлланиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларини атрофлича муҳокама қилиш, ушбу қонунни қўллаш механизмларидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Бугунги кунда 176 та махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан 12 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 33 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 77 та қарори, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган 54 та ҳужжати, шунингдек, 230 дан ортиқ бошқа қонун ҳужжатлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги у ёки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда.

қилиш вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари, олий ўқув юрталари ва илмий тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди. Иштирокчиларга мониторинг натижалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда давлат бошқаруви органлари, олий ўқув юрталари ва илмий тадқиқот муассасаларидан фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган таклифлар хусусида батафсил маълумот берилди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлашнинг давлат, ҳусусий ва бошқа хил тизимларининг тугган ўрни, тиббий хизматларнинг замонавий турларини риёжлантириш ва сифатини ошириш хусусида, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар билдиришди.

Мониторинг натижалари юзасидан институт томонидан ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсияларни иштирокчилар маъқуллади.

Яйра КАРИМБЕРДИЕВА

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги «Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг ижроси юзасидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида матбаа соҳасининг ҳуқуқий-меъёрий, техник базаси мустаҳкамланди, модернизация қилинди. Шунингдек, босма маҳсулотлар бозорининг эҳтиёжларини қондиришда ҳусусий матбаа корхоналарининг ўрни ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. 2010 йилнинг 1 январига

# Матбаааччилик

1397 та матбаа корхонаси (бўлими) фаолият кўрсатган. Улардан 288 таси давлат ташкилоти ва муассасаларига, 44 таси қўшма корхоналарга, 509 таси ҳусусий ва 556 таси масъулияти чекланган жамиятларга тегишлидир. Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ҳолатларига барча шароитларни яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўриломоқда. — Қонунчилик талаблари асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар билан бирга, ноқонуний даромад ортидан

куваётган матбаа корхоналари ҳам кўзга ташланиб қолмоқда, — деди агентлик бошқарма бошлиғи Рўзमत Тоиров. — Шу боис бир қатор тегишли натижаларига кўра агентлик томонидан 139 та субъектнинг матбаа корхонаси рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномаларнинг амал қилиши тўхтатилди. Бундан ташқари 52 та матбаа корхонасининг муассисларига матбаа фаолияти юзасидан тақдимномалар киритилди.

ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида стандартлар қайта ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этилгани таъкидланди. Шу билан бирга, вилоятларда марказий газеталарни чоп этишни йўлга қўйиш, бунинг учун зарур ишлар қилинаётгани қайд этилди. Конференцияда агентликнинг масъул ходимлари, матбаа корхоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири



Яқинда Тошкент вилоятининг ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХБ ҳамда Тошкент тумани ИИБ ходимлари, маҳалла посбонлари ҳамкорлигида тунда содир бўладиган жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларнинг фош этиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш мақсадида «Тун» номида махсус профилактик тадбир ўтказилди.



Тадбир давомида 157 нафар Ўзбекистон фуқаролари томонидан қондабузарликлар содир этилгани аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

# «Қолган ишга қор ёғар»

2009 йил 18 феврал, 21-сон

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туманидаги 4-, 33-, 40-сонли мактаблар бўйича чоп этилган танқидий мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан қўйилган таклифларни маълум қилади.

Мазкур танқидий мақолада кўрсатилган камчиликларни жойида атрофлича ўрганиб, қисқа муддат ичида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳокимлигида Ишчи ғуруҳи тузилиб, Жарқўрғон туманидаги 4-, 33- ва 40-сонли мактабларнинг ҳолати жойида ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, 2007 йилда капитал таъмирланган Жарқўрғон тумани Т.Шобуров ширкат ҳўжалигидаги 820 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4-сонли мактабда капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган пудрат-тендер танловларида «Саховат» МЧЖ деб топилган.

Ушбу ташкилот томонидан таъмирлаш ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилган бўлиб, дастур бўйича ажратилиши лозим бўлган барча ўқув жиҳозлари мактабга етказилиб ўрнатилган. Дастурга киритилган мактаблар учун замонавий компютерлар етказиб берилганлиги сабабли, синфхоналар лингафон билан жиҳозланмади. Ушбу таълим объекти худудий Давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинган. Мактаб маъмурияти томонидан сарфланган табиий газ ёқилгисига маблағ ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги оқибатида туман газ ходимлари газ қувурини узиб кетишган. Бугунги кунда мактаб иситиш тизимини газ тармоғига Улаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу мактабдаги артезиан кудуғининг насоси таъмирда бўлганлиги сабабли, сув вақтинчалик ташиб келтирилмоқда. 2009 йилда ишнинг капитал реконструкция турига киритилган Жарқўрғон туманидаги 740 ўқувчига мўлжалланган 33-сонли мактабда 420 ўринли янги ўқув биноси қурилиши ва мавжуд 320 ўринли ўқув биносида қайта тиклаш ишлари бажарилган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган пудрат-тендер савдоларида «Амузанг қурилиш ИР» МЧЖ ушбу мактабда тиклаш ишларини олиб бориш учун ғолиб деб топилди, бу ташкилот томонидан 2008 йил декабр ойининг учинчи декадасидан қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган.

Ушбу қурилиш ташкилоти қурилиш-тиклаш ишларини шартнома шартларига кўра ишлаб чиқилган жадвал (сетевой график) бўйича тўғри ташкил эта олмаганлиги, белгиланган графикдан 2 ойга ортда қолиб кетганлиги сабабли, ушбу объектдаги ишларни давом эттириш учун 2009 йилнинг 2-чорагидан бошлаб, «Сурхон соҳили сув қурилиш таъмир» МЧЖга алмаштирилган.

Мазкур пудратчи томонидан мактабда 2009 йил апрелдан бошлаб қурилиш-тиклаш ишлари бажарилган. 12 ноябрдаги 42-сонли Кафолат хатига асосан (кўрсатилган камчиликларни илова қилинган ҳолда) 10 кун муддатда камчиликларни бартараф этилишини Кафолатлаган ҳолда мактаб директори ва туман халқ Худудий давлат архитектора қурилиш назорати инспекцияси, Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси, санитария назорати маркази, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, лойиҳа институти, электр тармоқлари бошқармаси, сув оқова тармоқлари бошқармаси, иссиқлик манбаи, вилоят газ бошқармаси, таълимнинг жойлардаги бошқарув органлари ҳамда худудий Ишчи комиссиялари томонидан мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилган ва фойдаланишга қабул қилиш мумкин деган хулосаларига асосланиб, Давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинган.

Бироқ худудий «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан бажарилган ишлар учун 33,9 млн. сўм маблағ молиялаштирилмаганлиги туфайли «Сурхон соҳили сув қурилиш таъмир» МЧЖ томонидан бугунги кунгача «Кафолат» хатига кўрсатилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Жорий йилнинг 18 февралда вилоят ҳокимлигининг 33-сонли мактабдаги камчиликларни жорий йилнинг 1 мартага қадар тўлиқ бартараф этиш бўйича чора-тадбирлари белгиланди.

Жарқўрғон туманида 2009 йилда янгидан қурилаётган спорт коллежи қурилишидаги ишлар ниҳоясига етказилмаганлиги сабабли, мазкур коллеж талабалари ушбу худуддаги 40-сонли мактабнинг 1-ўқув биносига вақтинча кўчирилган. 40-мактабда таълим олаётган ўқувчиларга бугунги кунда мактабнинг 2-ўқув биносига ва филиалида тўлиқ 2 навбатда таълим-тарбия жараёни олиб борилмоқда.

Юқорида баён этилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш масаласи Халқ таълими вазирлигининг назоратида.

О.СОБИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари

Хабарлар

# 500 киши ишли бўлади

Олтинсой тумани йилдан-йилга чирой очмоқда. Ҳокимият қарори билан ташаббускор, ишбилармон кишиларга 7 гектар ер бўлиб берилди. Улар бу майдонда киши ва ёғи тўйхона, машиный хизмат кўрсатиш шохобчалари, 60 ўринли мехмонхона, «Ёшлар» кафеси, бир қанча дўкон, дорихона ва шунга ўхшаш зарур объектларни бунёд этиш ишларини бошлаб юборишди. Бир қатор биноларни «Наврўз» байрами арафасида ишга тушириш режалаштирилган.

Бу 500 дан ортиқ ёш ишли бўлади деганидир.

Урол БЕКМУРДОВ, Денов тумани

# Махсулотлар хорижга

Туркия ишбилармонлари сармоси асосида фаолият кўрсатаётган Марғилон шаҳридаги «Оршахтес» тикувчилик корхонасида эркак ва айёллар кийимлари, ошхона, шунингдек, ётоқхона жиҳозларининг (скатерт, простина, ёстиқ жилдлари, сочиқлар) 100 га яқин тури ишлаб чиқарилаётди. Корхона ишлаб чиқариш жараёни тўла компютерлаштирилган бўлиб, 250 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Махсулотлар асосан Япония, Хитой, Польша, Италия, Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

# «Экотиббиёт» Қарши филиали

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотларига қараганда, ҳар йили Қашқадарёда тарихида симоб бўлган 60 минг дона лампа ва бошқа асбоб-ускуналар ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолга келиб қоларкан. Афсуски, шу пайтгача уларнинг учдан икки қисми бўйича ҳеч қандай маълумот йўқ эди.

Айни пайтда «Экотиббиёт» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг Қаршида ташкил этилган филиалида яроқсиз ҳолга келган симобли лампа ва бошқа асбобларни зарарсизлантириш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари қаттиқ маиший ва саноат чикиндиларини зарарсизлантириш тадбирларининг боришини қатъий назоратга олиб, атроф-муҳит мусофоллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Иzzат ҲИКМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

# ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» Республика танловига

га қизиқиб, ўзбек тилини ўрганганини эътироф этиш ўринли. Бош ролни Раззоқ Хамроев ижро этган «Алишер Навоий» филми инглиз тилига ўгирилиб, АКШда намойиш этилди. Америкадаги Айова штати театрида «Навоий ва Гули» монолоғи миллий либосларда, инглиз тилида ижро этилди. Айни пайтда «Сада» Искандарий» дostonи таржима қилинапти.

Кичик бир таклиф...

У ҳикоя қилади: — Дастлаб Меделлин халқаро фестивали ҳақида гапирсам. Фестивал бугунга қадар 150 га яқин мамлакатдан 1000 дан зиёд шоя

яҳши қабул қилишган. Чет элда бир мушоирада инглизча таржималаримни ўқиганимда, шекспирона экан дея баҳолашган. Шериятимиз хорижда илиқ кутиб олингани учун ҳинд, гуҷарати, малайала, испан ва француз тилларида нашр этилган антологияларга киритилиб, газета ва журналларда шеър ишқибозлари эътиборига ҳавола этилди. Биз дунёга ўзбек адабиётини олиб чиқишни ният қилганмиш. Шунинг учун ҳар бир тилга ўгирилган ва нашр этилган намуналарида 5-6 та ижодкорнинг асарлари таржимаси берилди. Ўзбек адабиёти хусусида чет мамлакатлар

ша халқаро шеърят фестивали, халқаро ёзувчилар анжумани бор. Албатта, ҳамма инсонлар қатори ижодкорнинг ҳам ўз тақдир бўлади. Кимдир гўзал асарлар ёзиб, туғилган юрти доирасидан четга чиқа олмайди, яна кимдир ўткир қалами билан дунёни забт этди. Бу эса адабиёт тарихоти қандай йўлга қўйилганига боғлиқ. Президентимизнинг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси ҳузурдаги «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган фонднинг асосий вазифалари қаторида халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий айна ва кадр ятлари таран у м этилган мумтоз

донларга шахдам қадамлар билан чиқиши, шунга ҳаракат қилиши лозим. Бу йўлда бир кўприк вазифасини ўташ биз учун шарафдир. «Жаҳон адабиёти» журналида босилган ёхуд ҳали эълон қилинмаган, ўзбекчалаштирилган дунё адабиёти намуналарини юқори баҳолаган бўлардим. Зеро, бундай ташаббус бошқа ижодкорларга ҳам қанот бўлса деган ниятда, баъзан моддий қийинчиликларга учрасак-да, орта чекинганимиз йўқ. Аммо истеъдодли таржимонларнинг етишмаслиги, фидойиларнинг даврамизга шахдам қўшилишига иккилангани, айрим иқтидорли ёшларнинг қучига ишонсизлиги фаолиятнинг сусайиб қолишига сабаб бўлаётди. Бирор киши келиб адабиётимизни таржима қилиб беришини, тарғиб қилишини кутиб ўтириш ҳақида гапиришининг ўзи қулгили.

Адабий таржима билан шуғулланаётганлар кўп эмас. Қ.Маъмуровнинг инглизчага, А.Абдуллаевнинг турк тилига қилаётган гўзал таржималаридан хабардорман. Ёш шоир Антонина Иплина ўзбекча асарларини инглиз тилига ўгиришни бошлади. Атрофимизда бундай иқтидорлилар кўплигига шубҳа қилмайман, уларни юзага чиқариш, даврага тортиш керак!

Дарҳақиқат...

Спорт халқни дунёга тез танитади дейишади. Айтиш мумкинки, адабиётнинг кучи ҳам ундан кам эмас. Адабиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилётган бугунги кунда катта-катта лойиҳаларни амалга ошириш, ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш, жаҳонро адабий ва дўстона алоқалар ўрнатиш борасида улкан ишларни амалга ошириш мумкин. Зеро, бунга фурсат ҳам, имконият ҳам етарлидир.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

# Жаҳон майдонига

ирни таклиф этди. Колумбиянинг 30 дан ортиқ катта-кичик шаҳарларида 60 тилда шеърлар ўқилган. Илк бор бу фестивалга «Прометео» адабий журнали ходимлари асос солди. Мазкур фестивал 2006 йили иккинчи Нобел деб аталувчи «The Right Livelihood Award» мукофотини олишга муваффақ бўлган. Меделлиннинг баҳорий табиати, таровати, одамлари, маданияти ижод аҳлини асло бефарқ қолдирмайди. Айниқса, шаҳардаги каттақон очик театрда олти соат давомида, ҳатто ёмғир ёғиб турганига қарамай 3000 дан зиёд кишининг шеър эшитиш учун тўпланшини кўриш гоят шухуҳли эди.

даги олий ўқув юрталари, кутубхоналар, жамоат уйлари ва коллежларда махсус тақдимотлар қилинган. Дунёдаги ўнлаб мамлакатларда юзлаб шоир, ёзувчи, таржимон дўстларим борлигидан фахрланаман. Улар билан интернет орқали тез-тез фикр алмашиб тураимиз. Қайси юртга бормай, қайси миллатга мансуб шоир ёки ёзувчи билан кўришмай, умумий мулоқот тилини топишга ҳаракат қиламан. Бунда инглиз, француз, турк, араб, испан тилларидан хабардорлигим қўл келади. Дарҳақиқат, дунёда адабий анжуманлар деярли ҳар ҳафта ўтказиб турилади. Мен билган халқаро адабий анжуманларнинг ўзи йигирмадан ортиқ. Фарб мамлакатларида, масалан, Америкада деярли ҳар бир штатнинг ўзига яра

ва замонавий адабиётимизнинг муносиб намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш ҳамда интернетда кенг тарғиб этишга эътибор қаратилди. Уйлайманки, миллий адабиётдаги энг яхши асарлар кўпчилиги ўқиши мумкин бўлган жаҳон тилларига таржима қилинса, адабий алоқалар жадал йўлга қўйилса, профессионал ёзувчи билан кўришмай, умумий мулоқот тилини топишга ҳаракат қиламан. Бунда инглиз, француз, турк, араб, испан тилларидан хабардорлигим қўл келади. Дарҳақиқат, дунёда адабий анжуманлар деярли ҳар ҳафта ўтказиб турилади. Мен билган халқаро адабий анжуманларнинг ўзи йигирмадан ортиқ. Фарб мамлакатларида, масалан, Америкада деярли ҳар бир штатнинг ўзига яра

Тадбир

«Ishonch»га жавоб берадилар

## ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

**Эртаминг эгалари — келажак авлодни камол топтиришда фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларини, уларни қўллаб-қувватлашда ҳамкорлик ва мададкорлик қилаётган меҳнат жамоалари ҳамда олийҳиммат тадбиркорларни улуг айём — Наврўз байрами билан қизғин табриклайди. Эл-юрт учун камарбаста бўлган азиз устозларнинг толеи ҳамма вақт баланд, умрлари узун бўлсин!**

Ўз сафларида 807 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидagi 144 минг 544 нафар аъзони бирлаштирган кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Асосий мақсад ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга, ёш авлодни давр талаблари даражасида камол топиши учун ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган. Орта қолган 2009 йилда ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд оилаларга, кўп болали оналар, кўмакка муҳтож ёшлар, ногиронларга 22,6 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлашини таъминлаш мақсадида вилоят кенгаши ва туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмиталари томонидан 4 млрд. 362,4 млн. сўм маблағ ундирилди.

Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган вилоят кенгашининг устама стипен-

дияларига 230 нафар ўқувчи-талаба, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари сазовор бўлди. Ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида «Ижтимоий рағбат» мукофоти таъсис этилган бўлиб, йил давомида 150 нафар ижодкор, изланувчан ўқитувчилар тақдирланди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга амалий, услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 45 та умумий ўрта таълим мактабларида касаба уюшма хоналари ташкил этилди. Вилоят кенгаши ўқув марказида 307 нафар кўмита раислари ва ташкилотчиларининг ма-лакаси оширилди.

— 2010 йил фаолиятимиз учун муҳим давр ҳисобланади, — дейди тармоқ вилоят кенгаши раиси, педагогика фанлари номзоди Бахшилло Умаров. — Барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-саяловлар кўтаринки руҳда ўтмоқда. Янги сайланган касаба уюшма кўмита раислари ва

ташкилотчиларининг 416 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг аксарият қисми ёшлардан иборат. Биз эндиликда ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошира-япмиз.

## БУХОРО ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

**Республикамиз фуқароларини яшариш ва нафосат, меҳнат ва бунёдкорлик, эзгулик ва меҳр-мурувват байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Улуг ният, келажакка катта ишонч билан яшаётган халқимизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилайди. Баркамол авлод йилида тинчлик ва фаровонлик ҳар бир юртдошимизнинг ҳамроҳи бўлсин!**

Вилоят касаба уюшмалари мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишларда фаол қатнашиб келмоқда. Қабул қилинган жамоа шартномалари орқали барча соҳаларда фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимларнинг манфаатларини ҳимоялашга ҳамда адолатли меҳнат шароитлари яратилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш доирасида қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган кам таъминланган 5804 оилага жамоа шартномалари орқали корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 93,8 миллион сўм, касаба уюшмалари маблағлари ҳисо-

бидан 45,4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Болаларни соғломлаштириш мақсадида шаҳар ташқарисида 18 та мактаблар қошида 65 та оромгоҳ ташкил этилиб, уларда 16 минг 695 нафар боланинг кўнгилли дам олиши таъминланди. Қишлоқда истиқомат қиладиган кам таъминланган оилаларнинг 1215 нафар фарзандини соғломлаштириш учун 57,9 миллион сўмлик йўлланма бепул берилди.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида вилоятда фаолият олиб бораётган 8792 та юридик мақомга эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 7591 тасида, яъни 86,3

фоизда жамоа шартномалари қабул қилинди. Бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 4,6 фоизга ошди. Меҳнатни муҳофазат қилиш тадбирларига 5 млрд. 529 млн. сўм сарфланган.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг ҳудудий дастури ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси дастурларидан келиб чиқиб, бирлашманинг ташаббуси билан киритилган, жами 55 банддан иборат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурнинг бажарилишига касаба уюшма бюджети ва ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан 700 млн. сўмга яқин маблағ сарфлаш режалаштирилган.



# Ўзбекистон — иқтидорли спортчилар мамлакати

## (Боши 1-бетда)

Хабарингиз бор, 2012 йилда Лондонда 30-ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли спорт анжуманига бориш учун бир қатор спортчиларимиз номзоди кўйилганлиги ҳам бизга катта масъулият юклайди. Юнон-рум кураши бўйича Илдор Ҳафизов (халқаро тоифадаги спорт устаси), спорт гимнастикасидан Луиза Галиуллина (халқаро тоифадаги спорт устаси), Тамара Русанова (спорт устаси), Дилноза Абдусалимова (спорт усталигига номзод), Алина Зайдулина (спорт усталигига номзод), бадий гимнастикадан Эвелина Калишер (спорт усталигига номзод), энгил атлетикадан Ўзбекистонда хизмат курсатган спортчи Гузал Хуббиева, Замира Амирова (халқаро тоифадаги спорт устаси), энгил атлетиканинг югуриш тури бўйича Лидия Шахворостова (спорт устаси), энгил атлетиканинг уч ҳатлаб сакраш тури бўйича Валерия Канатова (спорт устаси), синхрон сузиш бўйича спорт усталигига номзодлар Севара Бобоқуллова ва Александра Козловалар мазкур спорт анжуманида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этиш ниятида машғулотларга зўр беришган.

## Мурод Алимов, Республика олимпия заҳиралари колледжи директори:

— Хомийлик кенгаши йиғилиши баъини ўқиб, шу нарсага амин бўлдимки, аввал бошиданок тўғри йўл танланган. Узингиз ўйлаб кўринг, 2003 йилдан буён жамғарма томонидан шу давргача 1123 спорт мажмуаси бунёд этилган ва уларнинг 922 таси кишлоқ жойларда қурилган бўлиб, бундай натижага манаман деган давлат ҳам ҳавас қилиши аниқ. Айни чоғда коллежимиз жамоаси жаҳон ареналарида ватанимиз байрогини баланд кўтаришга ҳисса қўшган ўз спортчилари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Масалан, дунёга таниқли спортчилардан дзюдо ва кураш устаси Абдулла Тангриев (Жаҳон чемпиони ва олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори), спорт гимнастикаси бўйича О.Чусавитина (олимпиада ўйинлари голибаси), юнон-рум кураши бўйича Д.Орипов, футбол бўйича олий лига ва Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари С.Жепаров, Т.Кападзе, О.Аҳмедов, А.Гейнрих, И.Нестеров сингари спортчиларнинг номини кел-

## тириш мумкин.

Ўтган йил коллежимиз учун муваффақиятларга бой бўлди. Ҳозирги кунда ўз мактебини мустақамлаб бораётган талабаларимиздан бокс бўйича Ереван шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон биринчилиги бронза медал совриндори Равшан Абдуназаров, энгил атлетика

атлетика) ҳамда Луиза Галиуллина (спорт гимнастикаси) муносиб катнашди.

Зеро, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Барча эзгу ниятларимиз марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг

## Сарвинос Курбонбоева, Зулфия номидagi Давлат мукофоти совриндори:

— Табиатан қизиқувчан эмасманми, мамлакатимизда болалар спортига эътибор, жойларда амалга оширилаётган ишлар ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар устасида

ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этдим. Уша йили май ойида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридagi Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси «Пентиум IV» компютерини тўхфа этди. Айтиш мумкинки, у менга жуда асқотди. Компютердаги шахмат ўйинларини пухта ўрганиш орқали назарий

нинг январ ойида 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида кенган мамлакат чемпионатидаги зафарли юриш менга 9-мартда Ўзбекистон чемпиони деган шарафга эга бўлиш имконини берди. Шу тариқа Грецияда ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида 2 мартда: 2006 йили Қарши шаҳрида ўтказилган баҳсларда ва 2009 йили Гулистонда бўлиб ўтган ўйинларда иштирок этдим. Ниятим уч бўғинли спорт мусобақаларининг кейингиларида ҳам муваффақиятли катнашиш ҳамда халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.



## Абдулла Тангриев, жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари кумуш медали совриндори:

— Мамлакатимизда Юрбошимиз томонидан спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда амалга оширилаётган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларида етишиб чиқаётган ёш ва умидли спортчилар бир талай. Натижада янги-янги номлар кашф этилмоқда.

Бунда, албатта, устоз-мурабийлар хизмати алоҳида таҳсинга лойиқ. Чунки барча имкониятлари бўлса-ю, малакали ва тажрибали, ўз соҳасини усталари ўқувчиларга етарли билим ва кўникмалар берилмаса, ижобий ўзгаришларга умид боғлаб бўлмайди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан нафақат пойтахт, вилоят ёки туман марказларида, балки чека-чекка кишлоқларда ҳам бугунги кун талабига мос гимнастика заллари, сув спорти саройлари ва бошқа қўлбал спорт объектлари қуриб фойдаланишга топширилаётгани эса нур устига нур бўлаётир. Улар бугунги кунда ёшлар билан бўлиб, ўз касбининг моҳир усталари болаларга спорт сирларидан сабоқ бериб келапти.




Қайси спорт турига қараманг, спортчиларимиз халқаро майдонларда ватанимиз шайнини муносиб ҳимоя этиб, давлатимиз мадҳиясининг янграшига сабабчи бўлаётган моҳир иқтидор эгалари ўсиб келаётганини кўриш мумкин. Қўлга киритган залворли галабалари ва шода-шода медаллари эса юртимиз медаллари сонини ошиб боришини таъминлапти.

Нарзулла МАҲАМОВ,  
«Ishonch» мухбири



бўйича 16-17 ёшли ўсмирлар ўртасида Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган спорт устаси А.Свечникова, юнон-рум кураши бўйича Туркияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги баҳсларида 1-ўринни эгаллаган спорт устаси Азизбек Муродов каби иқтидорли талабаларимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

2009 йил коллежимиз спортчи-ўқувчиларидан 19 нафари «спорт устаси» унвонига сазовор бўлган бўлса, 232 нафари спорт усталигига номзод ва 162 нафари оммавий разрядларни бажаришди. Шунингдек, халқаро мусобақалардан 111 та олтин, 119 та кумуш ва 116 та бронза, Ўзбекистон чемпионати, биринчилиги ва кубогига эса 1812 та спортчи-ўқувчилар иштирок этиб, 428 та биринчи, 353 та иккинчи ва 396 та учинчи ўрин қўлга киритилди. Коллежимиз яна бир ютуқларидан бири 2008 йилда Пекинда бўлиб ўтган 29-ёзги олимпиада ўйинларида 4 нафар ёш спортчи-ўқувчимиз Х.Тожибоев (бокс), Б.Шокиржонов ва А.Свечникова (енгил



бахту саодати, фаровон келажакни кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Бу йилги асосий вазифаларимиздан бири Сингапурда илк мартаба ёшлар ўртасида ўтказилган биринчи олимпиада ўйинларига бериладиган йўлнамаларни қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдан иборат.

эшитганимда юрагимни ҳис-ҳаяжон эгаллайди. Шахматга қизиқимиз 4 ёшимда куртакдан бошланган бўлиб, 9 ёшимдан эса жиддий шуғуллана бошладим. Дастлаб отам Каримберди Жумуқов устозлик қилиб машғуллар қўламини тобора кенгайтириб борди. 2003 йил августда шахмат бўйича 10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида муносиб катнашдим. 2004 йилнинг ноябр ойида Грецияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 7-ўрин билан кифояландим. Бухоро шаҳрида 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида навбатдаги мамлакат чемпионатида голиб чиқиб, 2005 йили Францияда

билимларимни боийитиб, навбатдаги утққларни қўлга кирита бошладим.

2007 йили Бирлашган Араб Амирикларида ўтказилган

Осиё чемпионатида 6-ўринни банд этган бўлсам, 2008 йилда 14 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар ўртасида мамлакат чемпионатида голиб чиқиб, ёзда Эронда ташкил этилган Осиё чемпионати кумуш медалини қўлга киритдим. Ўтган йили эса 16, 18, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида зафар қучдим.

Шу йил аёллар биринчи лигасида ҳам мамлакат чемпиони бўлиш насиб этди ва спорт устаси талабини бажариб, олий лигага йўлланма олдим. Бундан ташқари, июн ойида Россиянинг Екатеринбург шаҳрида Халқаро болалар турнирида ҳам классик, ҳам тезкор шахмат бўйича биринчи ўринни эгаллаб, мутлоқ чемпион, август ойида Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медалига сазовор бўлдим. Сентабр ойида 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ташкиллаштирилган Ўзбекистон чемпионатида ҳам 1-ўрин насиб этди. Жорий йил-



## Полвонлик касби, орият?

— Отам Маҳмуд бобо иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, кураш ва кўпқарини жуда ёқтирарди. Довруғи бутун Ўзбекистонга, Осиёга ёйилган Юсу-

биринчиликда 78 кг. вазн тоифасида иккинчи ўринни олдим. Самбо кураши бўйича «Вечерний Ташкент» газетаси соврини учун ўтган турнирда ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Худди шу йили дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатида кумуш медалга эришиб, спорт устаси талабини бажардим. Олий ўқув юртини тугатгач, ўзим туғилиб ўсган хўжаликдаги мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида иш бошладим. Мактаб қошида дзюдо тўга-

туя ва новвосларни соврин сифатида олиб қайтардик. Айни пайтда ҳам Қашқадарьдан яхши полвонлар етишиб чиқапти. Бу давлатимиз томонидан янги спорт мажмуалари қуриб берилаётгани, спортга берилаётган эътиборнинг самарасидир.

**Ҳамма нарса оиладан бошланади**

— Ҳозирда Чироқчидаги 2-сонли БУСМ директориман. Мактабда кураш ва дзюдо, футбол, мини-футбол ва волейбол бўйи-

ушбу ишларимизни изчил давом эттиришни режалаштирганимиз. 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб кураш ва волейбол бўйича аънавий мусобақа ташкил қилинди.

Кўкдалалик волейболчи ва футболчи қизлар қисқа вақт ичида вилоятда кўзга кўриниб қолишди. Волейбол жамоамиз «Ёз — 2009» спорт мусобақасининг Қашқадарь вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, футболчилар 3-поғонадан жой олди. Волейболчи қизларимиз вилоятда Муборакнинг «Аланга» жамоасидан кейин тилга олинди.

Бугун оддий кишлоқ қизлари спортда яхши натижаларга эришиб, барчани қувонтирапти. Масалан, ўзимизнинг оила. Бемалол спортчилар оиласи дейиш мумкин. Ўғилларим Жаҳонгир, Шерзод, Панжи, Марс — спорт устаси. Айниқса, Марсадан умидимиз катта. У 2009 йилда дзюдо бўйича Ўзбекистон кубогига 90 кг. вазн тоифасида голиб чиқиб, терма жамоа машғулотларига жалб қилинди. Қизим Илмира 2008 йил Нукусда ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақасида волейбол бўйича Қашқадарь вилоят терма жамоаси шарафини ҳимоя қилди. У ҳозирда ёш қизларга волейбол сирларидан сабоқ бермоқда. Фарзандларимнинг спортсевар бўлишида нафақат менинг, балки турмуш ўртоғимнинг ҳам ҳиссаси катта.

Ақмал АБДИЕВ  
ёзиб олди.

повлар сулоласига ҳаваси келиб, ўғилларининг полвон бўлишини ният қилган. Биз тўрт ака-ука ҳам кураш ва чавандозликка меҳр қўйдик. Туғилиб-ўсган жойимиз — Чироқчи тумани «Кўкдала» жамоа хўжалиги тўйқурашлариз ўтмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Курашга қизиқшининг кучлиги мени ҳаваскор спортдан профессионаллик сари бошлади. 1972 йилда Қарши педагогика билим юртига ўқишга кирдим ва у ерда Кўшмурод Файзиевдан (марҳум) дзюдо ва кураш сирларини ўргандим. 1974 йилда ўқишни тугатиб, Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия бўлимида тахсилни давом эттирдим. Бу ерда Сайфулла Расулов мураббийлигида дзюдо бўйича билимларимни оширдим. Талабалар ўртасидаги турли мусобақаларда қатнашдим. 1977 йилда республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги

# Мураббий ҳикояси

## Рўзиқул Маҳмудов, фахрий полвон, мураббий:

раги очиб, қизиқши бор болаларни йиғдим. Бироқ шароит йўқ эди. Кўримсиз хоналарда машғул ўтказардик. Хона кичкиналиги учун спорт мусобақаларига қабул қила олмадик.

1992 йилда Кўкдала кўргонида 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди.

Биз — чироқчилик Абдурахмон, Тилов, Саиднаби, Хусан полвонлар бир гуруҳ бўлиб, вилоятнинг барча туманларига, қўшни Бухоро, Сурхондарь вилоятларига бориб, кураш тушиб, туман ва вилоятимиз шаънини ҳимоя қилардик. Хатто, қўшни Тожикистон, Туркменистон республикаларидан кўша-кўша той,

ча машғулотлар йўлга қўйилган. У ерда 452 нафар шуғулланувчининг 84 нафари қизлар.

Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили мактаб ўқувчилари учун спорт мусобақаларига бой ўтди. Вакилларимиз республика биринчиликларида иштирок этди. Дзюдочилар Чирчиқда Учқун Муродов, Қаршида Михаил Омариев хотирасига бағишланган халқаро турнирларда қатнашди. Шунингдек, Кўкдалада Абрий полвон Қодиров хотирасига бағишлаб кураш ва волейбол турнири ташкил этдик. Сентабр ойида кураш бўйича туман очик биринчилигини ўтказдик.

Баркамол авлод йилида ҳам

мумкин. Ўғилларим Жаҳонгир, Шерзод, Панжи, Марс — спорт устаси. Айниқса, Марсадан умидимиз катта. У 2009 йилда дзюдо бўйича Ўзбекистон кубогига 90 кг. вазн тоифасида голиб чиқиб, терма жамоа машғулотларига жалб қилинди. Қизим Илмира 2008 йил Нукусда ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақасида волейбол бўйича Қашқадарь вилоят терма жамоаси шарафини ҳимоя қилди. У ҳозирда ёш қизларга волейбол сирларидан сабоқ бермоқда. Фарзандларимнинг спортсевар бўлишида нафақат менинг, балки турмуш ўртоғимнинг ҳам ҳиссаси катта.

Ақмал АБДИЕВ  
ёзиб олди.

# Ёш спортчилар муваффақияти

Германиянинг Грайсфельд шаҳрида йигирма ёшгача бўлган спортчилар иштирокида дзюдо бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари тўртта олтин, иккита кумуш ва бешта бронза, жами ўн битта медал жамғарди.

Истеъдодли спортчиларимиздан Артём Штурбабин, Мурод Йўлдошев, Хожиакбар Олимов ҳамда Сарвар Шомуродов ўз вазн тоифасида барча учрашуларда зафар қучиб, шоҳсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Рамз Абдуллаев ва Миршод Оқмуродов кумуш медал билан тақдирланди.

Учинчи ўринни эгаллаган ҳамюртларимиздан Улугбек Паёнов, Шерали Рашидов, Музроб Мавлонов, Хайит Темиров ва Жўрабек Нейматовга бронза медал топширилди.

Ёш боксчиларимиз ҳам муҳлису мутахассисларимиз ишончини оқлади. Эрон пойтахти Техрон шаҳрида 1992-1993 йилларда туғилган боксчилар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида тажрибали мураббийлар — Марат Курбонов ва Ҳамид Тангриберганов шогирдларидан беш нафари совриндорлар қаторидан жой олди.

Йигирма давлатдан 140 нафар боксчи иштирок этган китъа биринчилигида олтинми тўққиз килограмм вазн тоифасида рингта чиққан Аҳмад Мамажонов ўзини кўрсатди. Мустаҳкам ҳимоя, кучли техника ва тезкор зарбага эга умидли боксчимиз япониялик Саижо Такава, ҳиндистонлик Кишан Тапа ва эронлик Мустафо Ҳеммияни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи баҳсда туркменистонлик Нурсаҳат Пазиёвдан ҳар томонлама устунигини исботлаган Аҳмад Мамажонов Осиё чемпиони бўлди.

Ўзбекистон биринчилиги голиби Бургутбек Ҳожибоев Шри-Ланкадан келган Херат Ранга, Хитой Тайпейи вакили Юче Лин ва мезбон боксчи Армин Амжадийёни энгиб, кумуш медални қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоларидан Акрон Мамажонов ҳам сурялик Абдурахмон Ал-Оний ва эронлик Саид Хусайнийга қарши ўтказилган жангларни муваффақиятли якунлаб, шоҳсуланинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Ёшлар ўртасида мамлакатимиз чемпиони — Сардорбек Бегалиев ҳамда Бобур Содиков бронза медални қўлга киритди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси



Фаргонанинг обод бир хонадонидан Сапура, Салима, Садбар исмли уч киз воёга етди. Эргаш ака ва Раҳбарой опа қизларини киприк устига қўйиб ўстиришди.

Юрагига эзгулик уруғи тушган фарзанд ёмон бўлмайди. Атрофдагиларга эътиборли, меҳр-оқибатли бўлиб камолга етади, юртнинг қорига ярайди.

Вақти келиб, Салима ва Садбар бошқа хонадонга учирма бўлди. Бироқ тўнғич киз Сапура ўғил бўлиб, ота хонадонидан қолди. У шифокор бўлишни орзу қиларди. Аммо бандасининг эмас, Яратганининг амри вожиб. Инсон ризки қаерда бўлса, ўша ерда уни териб ейди. Тиббиёт институтига ўқишга киролмаганида, шох қайрилгандек бўлди. Аммо бу кўпга чўзилмади, Фаргона нефтни қайта ишлаш корхонасига лаборант бўлиб ишга жойлашди-ю, кўнгли таскин топди.

— Ишларинг жойидами, она қизим? — сўради бир куни отаси.  
— Ҳа, дадажон, нимайди?  
— Ўқиш нима бўлади?  
— Сизнинг касбингизни танлашга қарор қилдим. Фаргона политехника институтининг химия-технология факултетида



ўқийман.

Эргаш аканинг чехраси ёришди. Онасига ҳам бу гап ёқди.  
— Майли, болам, тупроқ олсанг, олтин бўлсин! — деб дуога қўл очишди.

Қизнинг орзулари осмон эди, тилаклари ижобат бўлди. Энди у жамоада ўз ўрнини топган, меҳнатсеварлиги, одоблилиги боис барчанинг меҳрини қозongan, институтнинг кечки бўлими фаол талабасига айланганди. Шундай қизни севмай бўладими. Заводнинг илгор ва кўзга яқин ёшларини

— Тинчликми, опажон?

Аёл унинг чехрасидаги ҳамдардлик ҳиссини туйиб, йиғлаб юборди.

— Эрим Иккинчи жаҳон уруши ногирони, боши касалдан чиқмайди. Рўзгор бўлса гор, топганим сира етмайди. Жуда қийналиб кетдим. Озроқ ёрдам берасизми деб келганим...

— Келиб яхши қилибсиз, биз сизга албатта кўмаклашамиз, — деб аёлни кўнглини кўтариб чиқариб юборди.

Қабулига келган кўхликкина

ба уюшма тизимида ҳам талай ўзгаришлар бўлди. Аммо Сапура қайси лавозимда ишламасин, кўпчиликнинг кўнглидан чиқишга, эгилгани суяшга уринди. Эзгуликнинг меваси эса обрў-эътибордир.

У раҳбарлик қилаётган идора республика ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Фаргона вилоят вакилиги деб юритилаётганига ҳам беш йил бўлди. Утган давр мобайнида қонун бузилиши-

ровардида, масала ижобий ҳал этилди. Утган йиллар мобайнида 22 минг 623 нафар аъзо ва уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди. Ёзги мавсумда 118 минг 59 бола оромгоҳларда соғломлаштирилди. Асосан кам таъминланган, кўп болали оилалардан бўлган 24036 нафар ўқувчилар корхоналар ва касабаси уюшмалари ҳисобидан мактаб либоси ҳамда ўқув қуроллари олиб берилди. Шунингдек, вакилик ва тармоқ корхоналари томо-



уни молиялаштириш ишлари жамоа шартномалари ва унга илова қилинадиган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битим»лар асосида олиб борилаётди. Утган йилдан бошлаб ҳар бир корхонада Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низом асосида «Меҳнатни муҳофаза қилиш фонди» ташкил этилди ва битимдаги тадбирларни шу фонд орқали молиялаштириш йўлга қўйилди. Ҳар йилнинг феврал ойида меҳнат муҳофазаси бўйича бажарилган ишлар якуни касабакўмлар кенгашида муҳокама этилмоқда. Хусусан, 2005-2009 йиллар давомида тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазасига жами 21 млрд. 758 млн.дан зиёд маблағ сарфланди.

— Дунёга келишдан мақсад бахтли бўлишдир. Бахтнинг эса на чегара, на чўққиси бор, — дейди у. — Нолисман, ношукрлик бўлади. Атрофимни меҳр-муҳаббат қуршаган, ўзим ҳам барчанинг кўнглини олсам дейман.

Сапураҳон опага хос яна бир хислат камтарлик. Хизмат вази-фаси пиллаояларидан оқорилаганда ҳам, турмуш ўртоғи завод раҳбари, ҳоким бўлган кезларда ҳам ўзлигини йўқотган эмас. Ҳамиша камсукум, самимий инсон бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳаётда сира кам бўлгани йўқ. Қўшгани билан қўша қариб, ўғил уйлаб, қиз чиқарди. Дилидаги бир бўшлиққина баъзан ўқситарди. Марҳум отасини кўмсарди.

Набиралари туғилганида дилидаги бўшлиқ тўлди. Ўғил набираларини «отам» деб эрқалайди. Бизнинг Сапура опа шундай инсон...

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**  
«Ishonch» мухбири

### «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Умр фалсафаси

дан бири Алижоннинг унга ишқитишди. Юлдузи юлдузига тўғри келди шекилли, тўғлари бўлди.

Катта муҳаббат асосига қурилган оиланинг илдизи бақувват бўлади. Сайёра ва Азизжоннинг дунёга келиши, хонадонга янада тотулик, қут-баракат олиб келди. Бу даврга келиб, Сапура Мўминова инженер лавозимида ишлар, шунингдек, бошланғич касабаси уюшма кўмитасининг фаол аъзоларидан саналар, Алижоннинг ҳам ишлари тоза юришганди.

1986 йил Сапуранинг ҳаётида туб бурилиш ясади. У энди буткул касабаси уюшма тизимига ўтди.

Эндигина сайланган кунлари эди. Бир аёл эшикдан мунгайиб кириб келди. «Ранг кўр, ҳол сўр» деганларидек, раис аҳолини сезиб, уни илиқ қаршилади.

жувонни кўриб ажабланди. «Бунинг нима таъвиши бўлса...» қабилидаги ўй кўнглидан кечди — Келинг...

Аёл биров тарадудланиб турди-да, кўзига ёш олди.

— Мени ноҳақ ишдан бўшатишди. Ҳуқуқимни топташди.

— Утиринг, қани энди бир бошдан гапиринг-чи!

Жувон бошидан ўтганларни ҳикоя қилди. Олиб келган ҳужжатларини кўрсатди. Сапура унинг вазифасидан озод этилиши ноқонуний бўлганлигини аниқлаб, ёрдам беришга сўз берди. Шундай қилди ҳам, елиб-югуришлар натижаси ўлароқ суд ишчи синчиқлаб ўрганиб, жувоннинг фойдасига ҳал қилди. Шунингдек, унинг мажбуран бекор юрган кунлари учун тўлов ҳам ундирилди.

Эҳе... Шунга ҳам йигирма йилдан ошибди, бу ўртада касабаси...

нинг олдини олиш мақсадида иш берувчиларга жами 52 мартаба тақдимнома киритилди. Шундан 43 таси ижобий ҳал этилди. 9 ҳолат бўйича эса судга мурожаат этилди ва ходимларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Айни пайтда тармоқда 28 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолар сони 38 минг 620 нафарни ташкил этади. Корхона ва ташкилотларда 282 цех кўмитаси ва 61 та касабаси уюшма гуруҳи мавжуд. Кўмиталар ҳошида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш, хотин-қизлар, маданий-маърифий ишлар бўйича комиссиялар фаолият юритмоқда.

Иш ҳақини вақтида тўламагани учун «Фаргона фуран бирикмалари кимё заводи» ва яна бир неча корхона устидан судга, «Фаргона кимёвий толалар заводи», «Қўқон нефт газ пармалаш ишлари» ОАЖга нисбатан эса прокуратурага даъво аризалари киритилди. Пин...



## ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНING ФАРГОНА ВИЛОЯТИДАГИ ВАКИЛЛИГИ

Барча касабаси уюшмалари ва корхоналаримизнинг Наврўз байрами билан самимий табриклайди. Улуғ сўйиш кўнглирида ҳаммамиз бахторий кайфият, соғлиқ-соломатлик, узoқ умр, бахт-саодат, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги олижаноб ишларида муваффақиятлар пиллайди!

## М.В.ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Ёш авлод тарбияси йўлида фидойилик кўрсатаётган устоз ва мураббийларни, барча-барчани Наврўз билан чин дилдан табриклайди.

Байрам шуқуҳи сезилиб турган шундай гўзал кунларда Сиз азизларга тан-сиҳатлик, омонлик, бахт тилайди.

Нафосат ва эзгулик ҳамиша кўнглингизни яшнатиб турсин!



Бахшиш эл — яхшиш эл

«Наврўз — 2010»

Боши 1-бетда

Одил ва ҳаққий бўлиш, ўз юртини, оила қўрғонини кўриклаш, дўсту ёрнин, орномусини жон-жаҳди билан ҳимоя қилиш миллатимизнинг ватанпарварлик хислатларидандир.

симизни асраб-авайлаш ва янада бойитишда бахшиларнинг, бахшичилик санъатининг аҳамияти катта.

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвонини Президентимизнинг фармони билан бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса, ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд этишдаги салмоқли хизматлари, Ватан истиклоли ва шон-шарафини улуғлаш йўлидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилди.

Юртимизда қадимдан ривож топган бахшичилик мактаблари ўз ижро услуби, дoston ва термаларни томошабинга, тингловчига етказиш йўллари бўйича ажралиб туради. Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ижрочилик мактаби бадиҳауийлик асосига қурилган бўлса, Хоразм ижрочилик мактаби сўзма-сўз ёдланган ва муайян бир куйига солинган дostonлари билан фаркланади.

Истиқлол йилларида миллий санъатимизнинг барча йўналишлари каби бахшичилик санъати ҳам изчил ривожланмоқда. Миллий маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида бахшичилик санъатининг барча мактаблари қайта тикланиб, уларни ривожлантириш, янада сайқал топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Утган йилларда дав-

тимиз раҳбарининг фармони билан кўплаб бахшиларимиз давлатимизнинг ушбу юксак фахрий унвоига сазовор бўлдилар. Қашқадарёлик Шомурод Тоғаев, Абдуқоҳор Раҳимов, хоразмлик Рўзимбой Норматов (Қаландар бахши), сурхондарёлик Абдуназар Пойнов, Бобараим Маматмуродов, Кара Умиров (Қорабахши), самарқандлик Зиёдулла Исмолов сингари бахшилар шулар жумласидан.

— Ўзбек миллий санъатининг инсон руҳига таъсир қиладиган ўзига хос жиҳатлари ҳақида кўп ашитган эдим, — дейди французиялик сайёх Луи де Боррессак. — Шаҳрисабзда бахши куйлаётган кўшиқни эшитиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Унинг образга кириб дoston айтиши, ғайритабиий овози, дўмбираси мени ҳайратга солди.

Наврўзи оламнинг дилларини яйратувчи ажиб оҳанглари юртимиз бўйлаб кезаётган шу кунларда олис-олислардан, дала-ю даштлардан отлар дупури, жўмард йигитлару лобар қизларнинг айтишувлари, сайилга чорлаётган жарчининг овози эшитилади. Улар орасида бахшининг Олимбой Халимов. — Дейди республика ихтисослашган тиббий ҳамда кўп тармоқли тиббиёт марказларида даволашни учун қишлоқлардаги имтиёзга эга беморлардан 330 кишига йўланма берилди. Туманимиз бўйича 168277 киши амбулатор, 18507 нафар бемор стационар шaroитида даволанди. Туман аҳолисининг репродуктив саломатлигини тиклаш, тиббий маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди. 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши ҳам зиммамизга улкан масъулият

Азал-азал Наврўзжон, Байрамларнинг зўри-да, Нуроний чол, кампирлар, Турар давра тўрида, Келинг Наврўз сайлига, Сиз ҳам келинг, майлига.

Хусниддин БЕРДИЕВ, УзА шарҳловчиси

«Омон кўрганнимдан хурсандман..»

Боши 1-бетда

Бошқа бўлимларда ҳам қизгин иш жараёнига гувоҳ бўлгач, суҳбатимизни туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Олимбой Халимов хузурда давом эттирдик.

Бирлашма раҳбарининг маълум қилишича, туманда мустақиллик йиллари 7 та врачлик пункти янгидан қурилиб, 9 та амбулатория қишлоқ врачлик пунктига айлантирилган. 2003 йилда туман «Саломатлик 1-2» лойиҳалари таркибига киритилди. Шу асосда 16 та қишлоқ врачлик пунктига юридик мақом берилди. 9 та пункт замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланди. «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича «Бердах», «Қангли» пунктларининг ҳар бири 4 млн. 76 минг сўмлик, «Назархон» пункти 4 млн. 485 минг сўмлик, «Оқолтин» пункти 2 млн. 675 минг сўмлик асбоб-анжомлар билан таъминланди, жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

юклайди. Ахир баркамоллик деганда биринчи галда жисмонан соғломлик назарда тутилади. Туманимизда истиқомат қиладиган ўсмирларнинг тиббий кўридан ўтказиш, касалликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф қилиш чораларини кўриш юзасидан амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

Ислохотларнинг самарали кечиши соҳа ходимларининг билим ва маҳоратига боғлиқ. Айни пайтда бирлашмада 343 нафар шифокор меҳнат қиладди. Хали қиладиган ишларимиз кўп.

Экологик муаммолар гирдолида яшаётган турмуш аҳолисининг унинг оғир оқибатларидан фақат тиббий маданият ва хизматни юксалтириш орқалигина асраш мумкин.

Олий тоифали врач-пульмонолог Гулистон Олимова, олий тоифали невропатолог Гулнора Гулмонова, тез тиббий ёрдам бўлими мудири Рустам Эшчанов, кардиолог Икром Йўлдошевлар ўз касбининг усталари сифатида аҳолининг ҳурматини қозонган.

Одамларнинг шифокорларга ишончи баландлигини Олимбой Халимов ҳамда Олимбой Шомуродовнинг Қорақалпоғистон Жўрорғи Кенгеси, Икром Йўлдошев халқ депутатлари туман кенгаши депутати қилиб сайлангани мисолида ҳам кўрса бўлади.



Туманда 48 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёл истиқомат қиладди. Утган йили улар юз фоиз тиббий кўриқдан ўтказилди. 70 фоизда аниқланган экстрогенитал хасталикларни амбулатор ва стационар шaroитда даволаш чоралари қўрилди. Айни пайтда туманда никоҳга тиббий кўриқдан ўтказиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Турғуқ комплексимиз 65 ўринли икки туғруқ, 30 ўринли ҳомиладорлар патологияси, 25 ўринли гинекология, 12 ўринли чақалоқлар патологияси бўлимидан, 3 ўринли реанимация постидан иборат, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош акушер-гинеколог Динора Абдурайимова.

Касалликни даволагандан кўра олдини олган маъқул. Туман шифокорлари ҳам ана шу ақидага амал қилган ҳолда репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш бўйича тарғибот ишларини узулсиз олиб бормоқда.

Фидойи ходимларни рағбатлантириш, бўш вақтинги сермазун ўтказиши учун шaroит яратиб бериш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари билан ижтимоий шерикчилик



тамоийллари асосида олиб бориладиган ҳамкорлик бу борадаги эҳмушларга асос бўлмоқда.

Муҳаббат Тўрабоева, «Ishonch» муҳбири



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat Aliyarov, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manziliimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

T. Shernayev

Navbatchi:

N. Maxamov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi, Sahifalovchi: H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmasida chop etildi. Korxonani muharrir: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan no'yuzatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Solтуда erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri bahriyot nuqtai nazaridan fargalanishi mumkin.

(h) - Tjorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi - 21.00

Byurotma G - 252

20706 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5

Қадрият

Ҳарбий округда болалар фольклори

Жануби-ғарбий маҳсуе ҳарбий округнинг офицерлар уйида бўлган уч йил муқаддам кўмондонлик ташаббуси билан болалар фольклор-этнография ансамбли тuzилган эди.

Иктидорли санъаткор Мухлиса Аҳмедова раҳбарлик қиладиган ва халқ оғзаки ижоди ихлосмандларини бирлаштирган бадий жамоа ранг-баранг чиқишлари билан томошабинларни ром этмоқда.

— Ижодий жамоамиз ҳарбий хизматчиларнинг ўғил-қизларидан ташкил топган, — дейди болалар фольклор дастаси раҳбари М.Аҳмедова. — Репертуаримиз тобора бойиб бораётганидан хурсандман.

«Мерос» болалар фольклор-этнография ансамблининг энг ёш иштирокчиси уч ёшли Олмосжон ва Фарангиз Ватан, она ҳақидаги қўшиқларни жўшиб куйлайди. Феруза Фозилова, Дилноза Мамбетниёзова, Шаҳзод Тиллаев. Сармоил Файзуллаев каби ёш санъаткорларнинг парвози ҳам барчани хушнуд этмоқда.

Ансамбл бутлур «Янги авлод» республика фестивалида ўзининг юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этиб, совринли ўринни қўлга киритган эди. Навқирон фольклорчилар санъатда янги нўқулларни забт этиш ниятидандир. Иzzат ҲИҚМАТОВ, жамоатчи муҳбир

Райхон

Ярим тунда мени бир муаттар хид оҳиста уйғотди. Юлдузлар ойнинг қулогига илоҳий сирларини шивирлаётган шу дамда муаттар хид мени етаклаб бокқа олиб кирди.

Богнинг чеккасида бир туп райхон тун сабосида оҳиста чайқалиб дунёни Бу мушқу анбар ила поклар эди. Во ажаб! Мажнун ишдида саҳрога ошиқиб бораётган Лайлининг қокилларидан тўкилганми бу хид ё Шириннинг нозик бармоқлари тутган гулнинг ифорими бу?!

Бу муаттар бўйда ошиқиб, мавжланган кўнглим оқиб борар эди. Мен жаннат дарахти остида бир-бирига энтикиб боккаётган Момо Ҳаво ва Одам Атонинг қалбини шу алфозда томоша қилардим. Бу ҳолат қанчалар ёқимли эди...

Шу дамда негадир шоҳ қизи эрса-да, ялангоёқ ишқ даштини кезаётган Зебунисоннинг қадам товушлари қулогимга чалинди. Ундан худди мана шу ифор анқирди. Бу ҳолатдан бошим айланми, қалбнинг хонасига беҳуш йиқилдим. Райхон тунги шабнамларни юзимга сепиб мени оҳиста ўзимга қайтарди.

Юзимга ногаҳон тунги малакларнинг рўмоли тегиб, титраб кетдим. Бу титроқ Увайсий ила суҳбат қуриб, нафис газаллар айтаётган Нодирабегимнинг ишққа ташна қалби ила баландлашди. Назаримда, еру само шу титроқда уйғунлашиб, бир туп райхонга айланган эди.

Райхон, сен қайси дунёнинг гулисан? Бунчалар хокисор, бунчалар майин хижмат бор яроқларингда. Сен соғинчнинг гулига ўхшайсан, сени хидлаганимда мунис онамининг бағрини соғиниб кетаман. Болалик боғларини безаган гулим — райхон. Сенда ҳали ҳеч ким излаб топа олмаган ифор бор. Сени хидлаб дунёнинг нафислигини, моҳрга бойлигини ҳис қиламан.

Х. ЖУМАНИЕЗОВА, Республика маънавият-тарғибот маркази бўлим мудири



Дил сўзи

Мафтункор табиат — ақл бовар қилмайдиган ҳодисаларга бой. Гўзал ва бетакрор баланд тоғлар-у поёнсиз кир-адирлар мудом кишини ўзига чорлаб туради. Дехқонбод туманининг Тоғайтемир қишлоғида яшовчи Мухаммади Сафаровлар оиласида бундан 22 йил бурун қизик бир воқеа содир бўлган эди.

Вафодор мушук

Тоғайтемир қишлоғидигилар ёз келиши билан кўч-кўронини кўтариб, далага қўчиб чиқишади. Уша ерда ўтов қуриб, куз келиб, қовун-тарвузларини йиғиштириб олгунча яшашади, асаддай ширин ширини ва қовун қоқи тайёрлашади. Ана шундай кунларнинг бирида Мухаммади ака алламаҳалда мушукнинг қулоқни қоматга келтирувчи чинкириғидан уйғониб кетди. Апил-тапил кийинди-да, лампали чироқни қўлида кўтарганча, ўтовнинг у ер, бу ерига разм сола бошлади. Шу пайт бир ёшли қизчаси ухлаб ётган бешик яқинидан узунлиги бир метрча чиқадиган захарли илонга кўзи тушди. Сал нарироқда эса мушук безовталаниб бетинин миёвларди. Мухаммади ака тахтадек қотиб қолди.

Миясига келган муҳиш фикрдан даҳшатга тушиб, жон ҳолатда бешикка ёпишди. Шундагина у илоннинг бошидан жудо бўлганлигини фаҳмлади. Дарҳол уни ташқарига улоқтирди. Афтидан бешик томонга ўрмалаб келаётган илонни мушук сезиб қолиб, улар ўртасида шиддатли жанг бўлган. Ўтқир тиши ва тирноқлари билан илоннинг калласини узиб ташлашга эришган мушук мурғак бола ҳаётини сақлаб қолганидан мамнун ҳолда миёвлаб турарди.

Парда ҲАКИМОВ, Дехқонбод тумани, Тоғайтемир қишлоғи

Воқеа